АЛЛОМА ШАРАФИГА ҲАШАР

ФАРҒОНА. Ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат жамоалари буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган ҳашарни ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Ташаббус меҳнат жамоаларида қўллаб-қувватланди. 21 февраль куни ўтказиладиган шанбаликда ободончилик тадбирлари уюштирилади. Боғ-хиёбонлар тартибга солинади. Ишлаб топилган маблағ эса Фарғоний номидаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Алишер ИБОДИНОВ.

ШАМОЛ КЕЗГАН ЧЎЛЛАРДА

НУКУС. Қиш ҳар йилгидан қаттиқ келди. Қор қалинлиги 25-30 см, совуқ 26-28 даражага етди. Қизилқум барханларида қўй-қўзиларни яйратиб юрган чўпон-чўлиқлар матонат кўрсатмоқдалар. Яқинда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ижроия қўмитасининг Нукус шўъбаси чўпонларга мадад қўлини чўзди. Хусусан, қоракўлчилик жамоа хўжаликлари чўпонларига 1.300.000 сўмликдан зиёд иссиқ кийим-кечаклар етказиб берилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ХАЙРЛИ ИШЛАР БОШЛАНДИ

БУХОРО. «Наврўз» жамғармаси вилоят бўлими фаоллари баҳорий байрам билан боғлиқ хайрли ишларни бошлаб юбордилар. Хусусан, Когон шаҳридаги Арабхона маҳалласида бўлиб, 20 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон ва боқувчисини йўқотган кишиларнинг кўнгилларини обод қилишди. Уларга олий навли ун, гуруч инъом этилди. Бундай тадбирлар бошқа туманларда ҳам ўтказилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

МУРУВВАТХОННИНГ ЭГИЗАКЛАРИ

АНДИЖОН. Олтинкўл туманидаги Сувюлдуз қишлоқ фуқаролар йиғининнинг Айрончи маҳалласида яшовчи Аминжон Нуриддинов хонадони учун Оила йили қувончли бошланди. Аминжон аканинг рафиқаси — Мурувватхон Ғафурованга эгизаклар — икки ўғил бир қизни бағрига босиш насиб этди. Уларга Ҳасан, Ҳусан, Зуҳра деб исм қўйдилар. Янги меҳмонлар ота-она бағрида, шифокорлар эътиборида улғаймоқдалар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 12 февраль, пайшанба • № 19 (22.256).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Юртбошимизнинг «Ислоҳотлар ва барқарорлик» деб номланган китоби Анқарада турк тилида босмадан чиқди. Мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли ҳаққоний акс эттан мазкур асар ўзбек-турк лицейлари бош мудирлиги томонидан таржима этилиб, нашр қилинди.

Мазкур китобга Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл сўзбоши ёзган.

* * *

Сирдарё вилояти Ховос тумани Сармич қишлоғида истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нарзулло бобо Хожиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан йўлбошчимизни муборакбод этиб, тулпор совға қилган ва табрик хати йўллаган эди. Миннатдорлик сифатида Президентимиз отахонга совға-саломлар юборди.

Давлатимиз раҳбари номидан совғаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ишлар бошқарувчиси Зилемхон Ҳайдаров ва вилоят ҳокими Ўктам Исмоилов топширди.

***

Куни кеча Буюк Британия парламенти делегацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ташриф буюрди ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни ривожлантириш борасида юртимизда олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Куннинг иккинчи ярмида делегация аъзолари республика Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан учрашиб, омбудсман фаолияти, шунингдек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича институтларни такомиллаштириш борасида нима ишлар қилинаётгани билан қизиқдилар.

Шу куни делегация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институтига ҳам ташриф буюрди.

* * *

Андижонда «Оила, аёл ва ҳуқуқ» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Оила йили дастурига мувофиқ хотин-қизларнинг маданий-маърифий ва ҳуқуқий савиясини ошириш, оилада соғлом муносабатларни шакллантириш, ёшларни ота-она, эл-юрт, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига доир тавсиялар берилди.

АФҒОНИСТОН ХАЛҚИГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Афғонистоннинг Тоҳар вилоятида рўй берган зилзила оқибатида жабр кўрган аҳолига беғараз ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан махсус жамғарма ташкил этилди.

Табиий офат рўй берган жойга озиқ-овқат, тиббий асбобускуналар ва дори-дармонлар, болалар кийимлари ҳамда қурилиш материалларидан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатилади.

Инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тегишли халқаро ташкилотлар томонидан мувофиқлаштириб турилади.

(ЎзА).

МИЛЛИЙ ДАСТУР БЎЙИЧА МАЛАКА ОШИРИБ

ТОШКЕНТ. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш бўйича икки ҳафталик машғулот ташкил этилди. Бу хайрли ишни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ТошДУ қошидаги олий педагогика институти уюштирди.

Йиғилганлар етакчи олим ва профессорларнинг тест усулининг истиқболи, замонавий математиканинг дидактик масалалари, иқтидорли ёшларни танлаш, менеджмент, электрон ҳисоблаш машиналари, техник воситалардан фойдаланиш ҳамда бакалавр, магистр кадрлар тайёрлаш муаммоларига бағишланган маърузаларини тингладилар.

Тожиддин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзега суиқасд қилинди. Ўз қароргоҳига йўл олган Президентнинг автомобиль кортежига бир гуруҳ террорчилар автоматлар ва гранатомётлардан ўқ узишди. Президент қўриқчилари ўт очишди. Жанг натижасида хавфсизлик хизмати ходимларидан бир неча киши ҳалок бўлди ва яраланди. Шеварднадзенинг ўзига эса ҳеч қандай зарар етмади. Маълумки бундан аввал ҳам Грузия раҳбарига суиқасд қилинган эди. Ўшанда ҳам у бахтли тасодиф туфайли омон қолганди. Айни пайтда яширинган жиноятчиларни қидириш давом эттирилмоқда. Шеварднадзе аҳолини тинчликни сақлашга ва хотиржам бўлишга даъват этди.

* * *

Ироқдаги воқеалар яна авжига чиқди. АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт, мудофаа вазири Уильям Коэн хорижий мамлакатларга сафар қилиб ўзларига ҳамкор ва хайрихоҳлар қидиришмоқда. БМТ Бош котиби Кофи Аннан зиддиятни тинчлик йўли билан ҳал этиш учун ҳали ҳам имконият бор, деди. Россия Президенти Борис Ельцин ва Италия Бош вазири Романо Проди Ироқ масаласини тинчлик йўли билан ҳал этиш муҳимлигини таъкидлашди.

* * *

Фаластин озодлик ташкилоти Ироқни қўллаб-қувватлашга бағишланган барча намойишларни ман этди. Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақасида, айниқса, бунга эътибор берилаётир. Бинобарин, Саддам Хусайнни қўллаб-қувватлаш учун уюштириладиган намойишлар Исроилга қарши митингларга айланиб кетиши мумкин.

* * *

Яқин келажакда Чехия наркотик моддалар эркин сотиладиган мамлакатлар сафини тўлдириши мумкин. Чехия раҳбарлари баъзи Европа давлатларидан ўрнак олиб наркотик моддалар билан назоратли савдо қилиш имкониятини яратишмоқчи. Ижтимоий сўровларга кўра Чехия фуқароларининг кўпчилиги ҳукуматнинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватламоқда.

* * *

Германия ҳукумати Америка Қўшма Штатларига, агар Ироққа қарши қуролли тўқнашув бошланган бўлса, барча немис аэродромларидан фойдаланиш имконияти борлигини маълум қилган. Бундай қарор қабул қилингани ҳақида ГФР канцлери Гельмут Коль хабар берди.

* * *

Филиппиннинг собиқ биринчи хоними Имельда Маркос аввалги ҳокимиятни яна қайтариб олмоқчи. Марҳум диктатор Фердинандо Маркоснинг беваси 8 январдан бошлаб сайлов« пойга»сида қатнашмоқда. Унинг мўлжали мамлакат Президенти лавозимини эгаллаш.

ХОТИРА МУҚАДДАС, ФАҚАТ...

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрида халқимизнинг севимли фарзанди, истеъдодли шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 515 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон Халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов олиб борди. Унда шоир хотирасини ёдга олиб, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Неъмат Аминов, таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиров, Бобур халқаро жамғармаси раиси Зокиржон Машрабовлар сўзга чиқдилар. Нотиқлар шоир босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли ва айни пайтда шоир хотирасини эъзозлаш учун олиб борилаётган ишлар ҳақида мулоҳаза юритишди. Пиримқул Қодиров ўз сўзида мазкур юбилейни Эрон, Ҳиндистон, Покистон давлатлари билан ҳамкорликда ўтказиш таклифи билан чиқди. Бобур жамғармаси томонидан Бобур мукофотига номзодлар эълон қилинди.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ҳаммаси кўнгилдагидек ўтаётгандай эди, бироқ, кеча мобайнида киши ғашига тегиб турган дилхиралик ҳақида тўхтаб ўтмаса бўлмас.

Театрни «текин томошабинлар» билан тўлдириш анъанаси бугун ҳам давом этиб келаётганга ўхшайди. Бутун кеча давомида ҳали кириб, ҳали чиқиб, ҳиринглаб турган талабалар қуршовида ўзингни театрда эмас, аллақандай томошагоҳда ўтиргандай ҳис этасан.

Бунинг устига талабалар бўлгуси санъат мутахассислари эканлиги ҳам эҳтимол. Биз театр залини тўлдириб ўтирган ёшларимизнинг «бақир-чақир»лари хусусида тўхталиб ўтирмаймиз. Лекин тадбир ўртасида М. Абдуқундузов талабаларга алоҳида мурожаат қилиб, театрда ўтирганларини, бунинг устига шоир хотираси ёдга олинаётганини таъкидлаб ўтишга мажбур бўлганини айтиш лозим..

Масаланинг икки жиҳати кишига алам қилади. Аввало, қутлуғ тадбирни нишонлашга талабаларни мажбурий келиши (мен ёзиб ўтирганимни кўрганлардан бири, талабалар рўйхатини сиз олаяпсизми, деб сўради). Қолаверса, талабанинг мажбурий келиш-келмаслигидан қатъи назар унда театр нима эканлиги, у ерда ўзини қандай тутиш ҳақидаги оддий маданиятнинг йўқлигидир.

Бугун ёшларимиз орасида бундай нохуш аҳволнинг юзага келиши кўнгилсиз, албатта. Санъат, маданият ва миллий қадриятга бўлган бефарқ муносабатнинг замири, назаримда, таълим жараёнини шакллантиришга, айниқса, адабиёт ва санъат соҳасида ўқув тизимини ривожлантиришга ҳам бориб тақалади. Чунки, англанадиган ва ҳис қилинадиган туйғулардаги мажбурийлик ҳамиша зидликни, акс таъсирни келтириб чиқаради.

Кечага талабаларни «судраб» келиш ғояси кимдан чиққанлигини билмадим, аммо бундан на талаба ва на ҳомийлар фойда кўрмагани аниқ. Биз яна ёшларни «программалар»га бўйсундиришга ўтаётганга ўхшаймиз. Режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг: «Театр фақат дўстлар учун» деган фикрини ўқиган эдим. Режиссёр дўст деганда театрни севувчи, театр санъати фидойилари маълум — томошабинларни назарда тутгани табиий. Дарҳақиқат, театр муқаддас даргоҳ, аввало у ерга томоша учун эмас, театр эканлиги учун ташриф буюришади. Бошқача қилиб айтганда, гўзалликни кўриш учун эмас, аввало, гўзаллик учун. Бундай мулоҳаза юритишимизнинг боиси инсон хотираси, унинг ёди ҳам шундай дахлсиз, гўзал бир эзгу туйғу эканлигини таъкидлашдир. Юбилейларга кимларнидир мажбурлаб сафарбар этиш билан биз ана шу эзгуликни бироз поймол этгандек бўламиз, чамамда. Чунки, бизнинг ҳаракатимиз қанчалик сидқидилдан бўлмасин, барчани бирдек севишга, эъзозлашга мажбур этиб бўлмайди. Тарих давомида бунга гувоҳ бўлишга ҳам улгурдик. Шундай экан, бундай сафарбарликлар ўрнига очиқ, эркин иштирок тадбирини қўллаган маъқул. Халқимизнинг Бобур Мирзодек улуғ шахси, буюк шоири, дилбар инсоннинг хотираси эзгу ва табаррукдир. Уни фақат севиб, англаб хотирлаганимиздагина шоирнинг руҳини шод этамиз.

Малик МАНСУР,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Фарзандлар — Ватан келажаги.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

Ислоҳот ва масъулият

БУ ЙИЛ «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ЗАНГЛАМАЙДИ

дейишмоқда фарғоналиклар. Лекин янги техника воситалари олишни-да, исташмаяпти...

50-, 60-йиллари ўзбек қишлоқларида авж олган икки ғаройиб тўлқин кураши ҳали ҳам ёддан кўтарилгани йўқ. Бир томонда: «Пахта териш машинасини даламга киритмайман!» - дея эрталаб «зангори кема» кирадиган пайкални атайин кечқурун сув бостириб, машина йўлига кўндаланг бўлган шоп мўйлов бригадир-у, галифе шимли, осилган қорнини эни шапалоқдай камарда кўтариб олган раислар, иккинчи томонда: «Пахтани машинада терамиз!», дея кўксига муштлаб «пўлат от» жиловини дала томон қўйган ёш, хушбичим инженер-у, «оловқалб» механизатор йигит-қизлар...

Нафақат газета-журналлар саҳифаларини безарди бундай манзаралар тасвири, ўша йиллари ўзбек насри ва назмининг бош қаҳрамонлари ҳам шулар эди... Ҳайтовур, ўша воқеалар ўтиб кетди-ю, журналистикамизда ҳам, адабиётимизда ҳам бу мавзуга қайтилмади.

Ўтган йили Фарғона вилояти пахта пайкалларида терим машиналари кўринмагач, яна ўша воқеалар ёдга тушди. Нима учун бир пайтлар Ўзбекистонга Меликўзи Умрзоқов, Муҳаббат Фахриддинова, Валижон Ҳамроқулов сингари донгдор механизаторларни берган вилоятда 1997 йил мавсумида бир тонна ҳам пахта машинада терилмади?

Ўтган йили август ойи ўрталарида вилоят «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари С.Исроилов пахта йиғим-теримига тайёргарлик ҳақида гапириб:

— Бу йил вилоятда 10.335 гектар майдондаги пахтани машиналар ёрдамида териб олиш кўзланяпти. Бунинг учун қарийб 300 та пахта териш машинасини мавсумга тайёрлаш лозим. Бу борада ҳам ҳозирлик ишлари ниҳоясига етказиляпти, — деган эди. Дефолиация мақсадида кимёвий дорилар сотиб олиниб, туманларга тарқатилган, пуркагич тракторлар тайёрланганди. Масалан, кейинчалик бир килограмм ҳам пахта машинада терилмаган. Охунбобоев туманида дефолиация учун 50 тонна хлорат - магний ишлатилгани маълум... Барча туманлар ҳокимларининг йиғим-теримни ўтказиш бўйича тузган тадбирларида ҳам машинада пахта териш кўрсатилган.

Афсуски, яқинда вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бошқармасидан ўтган йилги терим натижаларини суриштирсак:

— Бизда машинада пахта теришга оид маълумотлар йўқ! — деган лўнда жавобни олдик.

Улар берган маълумотларга кўра вилоятда 1997 йил бошида 727 та пахта териш машинаси бўлган. Улардан 504 таси ишга яроқли ҳисобланган. Бу катта куч, албатта. Агар саноқдаги машиналар етиштирилган пахтани ўз вақтида ва сифатли териб олиш учун тўлиқ сафарбар этилса, ижобий натижани кутса бўларди. Аммо...

— Пахта кечки бўлиб қолди. Машинабоп қилиб етиштирилмади. Дефолиация ўтказиш, ғўза парваришида хатоларга йўл қўйилди. Натижада пахтани машинада тергандан кўра, қўлда териш хўжаликлар учун афзал кўринди, — деб изоҳлашди мутахассислар, ўтган йилги ҳолатни. Албатта, бу гаплар қуруқ баҳона эмас. Мавсум чиндан ҳам ноқулай келганди...

Бироқ машиналардан фойдаланилганда минглаб деҳқонларнинг оғири енгил бўлармиди, талабалар, ўқувчилар, ҳашарчилар ойлаб ўқув ва иш жараёнидан ажралиб, пахта далаларида юрмасмидилар, деб ўйлаб қоласан...

«Фарғонада ишчи кучи кўп, қанча пахта бўлса териб оламиз», деган тушунча айрим хўжаликлар раҳбарлари онгида қотиб қолган. Худди ўша 60-йиллардагидек пахта териш машиналари хўжакўрсинга таъмирланиб, бўялади-ю, асосий эътибор яна қўл кучига қаратилаверади. Машинада пахта теришга иккинчи даражали иш деб қарашни шундан ҳам билса бўлади. Бундан бир-икки йил аввал Жиззах вилоятига Фарғонадан аллақанча терим машиналари ҳашарга юборилган эди. Мавсумдан сўнг хўжалик раҳбарлари бу машиналарни Жиззахдан қайтариб келиш учун астойдил ҳаракат қилганини эшитмадик...

— Кейинги олти йил давомида вилоят хўжаликлари бир дона ҳам пахта териш машинаси сотиб олганлари йўқ, — дейди вилоят «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи А. Маҳмудов.

Вилоятнинг айрим жамоа хўжаликлари раҳбарлари онгидаги ҳамон «пахтани қўлда терамиз» деган кайфиятнинг асорати эмасмикан бу? Тўғри, кейинги йилларда вилоятда пахта майдонлари қисқарди. Ғаллачилик, боғдорчилик майдонлари кўпайди. Аммо қишлоқни юксалтириш, саноат корхоналари барпо этиш, ортиқча ишчи кучларини хизмат, савдо ва бошқа соҳаларга йўналтириш, ёш авлодга тўлақонли таълим-тарбия бериш масаласи, аввало, қишлоқ хўжалигини тўлиқ механизациялаштириш билан боғлиқлигини унутмайлик. Биз истаймизми-йўқми, қишлоқ тараққиёти замонавий механизацияга боғлиқ!

— Ўтган йил хатоларидан сабоқ чиқариб, бу йил етиштириладиган пахта ҳосилининг салмоқли қисмини машиналарда териб олиш ниятидамиз, — дейди А.Маҳмудов. — Яқинда вилоятимиз ҳокими топшириғи билан иккита махсус гуруҳ тузилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарида техника, шу жумладан, пахта териш техникасининг аҳволини ўрганиб чиқдик. Жойларда мавсумга ҳозирлик қизғин. Хўжаликларда терим техникасини созлаш, экин майдонларини машина теримига тайёрлашга ҳозирлик бошланиб кетган. Техника таъмири ўтган йилга нисбатан деярли икки ой олдинда кетяпти! Фарғоналиклар ўтган йил «доғ»ини ювиш учун барча ишни қилишади. «Зангори кема»лар бу йил занглаб қолмайди!

Бу, албатта, кўнгилни қувонтиради. Аммо бир ҳол кишини сергаклантиради. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг муовини А. Мадаминов ва вилоят «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи А.Маҳмудовлар имзоси билан шу йил 16 январда туманлар қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари ва МТПлар раҳбарлари номига: «Бу йил янги пахта териш машиналари, жумладан, «Кейс-2022» пахта териш комбайни сотиб оласизларми?» деган мазмунда юборилган хатга ўз муддатида, яъни 24 январгача ҳеч ким жавоб қайтармаган. 3 февраль куни эса учта тумандан «Бунақа машинага эҳтиёжимиз йўқ. Сабаби — 90 см. қатор оралаб пахта экмаймиз», — деган жавоб келибди. Бу янгиликка бефарқлик эмасмикан?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

Бухоро вилоятида қишлоқ инфратузилмаси объектлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. «2000 йилгача қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш» Дастурига асосан 1997 йилда 10 та қишлоқ даволаш пунктлари, 180 ўринли касалхона, 4140 ўринли умумтаълим мактаблари, 408 минг квадрат метр уй-жойлар, 168 км. сув, 406 км. газ қувурлари, 2730 квадрат метр савдо дўконлари, 1400 ўринли умумий овқатланиш шаҳобчалари, 50 та маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриш режалаштирилган эди.

Дастурда белгиланган вазифалар катта масъулият талаб қилишини ҳисобга олиб, вилоят ҳокими қуриладиган объектларни тугаллаш муддатлари ва маблағ билан таъминлаш манбаларини белгилаб берди.

Қурувчиларнинг жонбозлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг доимий назорати ва амалий ёрдами натижасида ўтган йили республика бюджети ҳисобига 10та қишлоқ даволаш пунктлари ва 5456 ўринли 11 та умумтаълим мактаблари қурилиб битказилди ёки йиллик режа 100 ва 129 фоизга бажарилди. Бундан ташқари, нодавлат маблағларини жалб қилиб, қўшимча 10 та қишлоқ даволаш пункти, 4742 ўринли 11 та умумтаълим мактаблари қурилиши олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар шулардан 4 та қишлоқ даволаш пункти, 1646 ўринли 4 та мактаб фойдаланишга топширилди.

Қурилаётган объектларнинг ўз муддатида фойдаланишга топширилишида «Ўзжамоахўжаликқурилиш»нинг 1 - ва 2-трестлари, «Ўзагроқурилиш»нинг 20-ва «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари қурувчиларининг меҳнатини алоҳида таъкидлашлозим. Вилоят тадбиркор, ишбилармонлари маблағи ҳисобидан 4640 квадрат-метр савдо, 1860 ўринли умумий овқатланиш шаҳобчалари, 82 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари 89 та қишлоқ даволаш амбулаториялари ва фельдшер-акушерлик пунктлари қайта таъмирланиб, барча муҳандислик коммуникациялари янги замонавий тиббиёт жиҳозлари ҳамда малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланган қишлоқ даволаш пунктларига айлантирилди.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 96,9 км сув, 371,8 км. газ тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари олдида 1998 йил — Оила йилида улкан вазифалар турибди. Уни бажариш қурувчилардан улкан жонбозлик талаб қилади.

Ёқубжон ҒАФФОРОВ,
Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

Менда **таклиф** *бор*

ЖАМҒАРМА ТАШКИЛ ЭТИЛСА

Оиладаги соғлом муҳит маънавий ва моддий таъминот туфайли мўътадиллашади. Оила йилида республикамизда Оила жамғармаси ташкил этилса, фойдадан ҳоли бўлмасди, деб ўйлайман. Чунки жамиятимизда ёш оилаларнинг ўзига хос муаммолари бор.

Ривожланган хорижий давлатларда айнан шундай жамғармалар кўпгина оилавий муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Жамғарма жамиятимизнинг энг асосий бўғини бўлмиш оиланинг яқин ҳамфикри, ҳамкори бўлиб қоларди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА.

Хатлар, **хатлар,** *хатлар*

ПУЛИ ТЎЛАНСА ҲАМ...

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳукуматимиз томонидан халқимизнинг маданий ва маиший шароити яхшиланаётгани, уларни иқтисодий ва ижтимоий томондан ҳимоя қилинаётганлиги алоҳида эътиборга молик.

Лекин шундай хайрли ишлар қилинаётган бир пайтда бизнинг Бешкент шаҳри Бодомзор маҳалласи аҳолиси бир неча йиллардан буён газ, электр энергияси йўқлигидан қийналмоқда.

Маҳалламизда 350 оила истиқомат қилади. Газ ва электр пулини ўз вақтида тўлаб қўйганмиз. Лекин электр токи ва газ билан бир неча йилдан буён тўлиқ таъминланмаймиз.

Маҳалламиз халқи ушбу муаммони бартараф этишни сўраб Қашқадарё вилоят газлаштириш бошқармасига, туман ва вилоят ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилишди. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади.

Маҳалла фуқаролари номидан:
Тўра ФАЙЗИЕВ, Ботир ҚАРШИЕВ, Ҳайдар ТУРСУНОВ ва бошқалар.

«ЛИБОСЛАРГА ҚАЛБ ҚЎРИМНИ ҚЎШИБ ТИКАМАН»

Ҳаётда одамлар дилига қувонч улашиб, кўнгилларни гўзаллик оламига ошно қилиб яшашдан ҳам ортиқ толеъ бормикин?

1960 йилдан буён Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет театри саҳнаси намоёндалари учун мен тикиб, безатиб тайёрлаган кийимларнинг ҳисобига етиш қийин. Лекин, мен учун муҳими бу эмас.

Саҳнада ижро этилажак рақс муваффақиятининг ярми — санъаткорнинг либосига тааллуқли деган гап бор. Бу шарафни чин маънода оқлаш учун кўзларим нури, қалбим қўрини тўкканимдан, шу ишга умримни тикканимдан мамнунман. Мен тиккан либослар Ўзбекистон рамзи бўлиб дунёни кезди, бу саховатли юрт фарзандларининг маънавий олами нечоғли гўзал, нафис, жозибадор, рангин эканлигини намойиш этсин, деб ҳамиша ният қилдим.

Ўзбек рақс маликаси, халқ артисти Мукаррамахоним эътибори, меҳру муҳаббатига сазовор бўлганим — умримнинг ушалган орзуларидан бири. Раққосаларимиз ҳар гал чет эл сафарларидан қайтишганда бир манзарани ҳаяжон билан сўзлаб беришарди. Яъни, турли мамлакатлар саҳнасига чиқиб келаркан, ҳали рақсни бошламасларидан, залда гулдурос қарсак бўлиб кетаркан. Бу олқишлар раққосаларимизнинг офтобдек иссиқ юзлари, кулган кўзлари ва албатта эгниларидаги бетакрор,

Орамиздаги одамлар

бетимсол либослари шарафига эканлигини томошабинлар тўлқинланиб, изҳор этишаркан. «Сиз фақат рақс билан бўлишингиз керак», — деган Мукаррама опанинг гапларини бир умр дилимга тумор қилиб яшадим. Бу гапнинг заминида «Ансамблимизнинг обрўсига обрў, санъатига санъат қўшиши учун меҳнат, маҳоратингизни аямаслигингиз керак», — деган маъно яширингандай туюлади.

Тиккан либосларим санъаткорлар эгнида Жаҳон ёшлари фестивали саҳнасини кўрди, машҳур спортчиларимиз кўркига кўрк бўлиб, дунё Олимпиадалари стадионларидан ўтди...

«Ялла», «Тановор», «Лазги», «Шодлик», «Сумалак»... ансамбллари билан ер юзининг тўрт бурчини кезди.

Айтаверсам, нокамтарлик бўлиши табиий. Лекин, мен бу гапларни ўзимга мақтов маъносида айтаётганим йўқ. Демоқчиманки, бутун ҳаётинг давомида қилган меҳнатинг халқ, Ватанинг томонидан алоҳида эътибор этилса, бунинг қувончи, фахру ифтихори ўзгача бўларкан.

Ҳалол меҳнатинг билан яратилган ҳар қандай бойлик — энг аввало ўзинг учун мукофот. Шу меҳнатингнинг мевасидан элу юртнинг баҳраманд бўлмоғи — олий ниятларингнинг ушалмоғи.

Яқинда республикамиз Президенти Фармони билан мамлакатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар қаторида «Шуҳрат» медалини оларканман, кўнглимдан кечган қувонч, шукрона, миннатдорлик туйғуларини сўзда ифодалаб бериш мушкул. Ўзбек миллий рақс санъати, миллий либослар, азалий қадриятларимизнинг барқарорлиги ва равнақи учун ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бу. Ватан шарафига шараф қўшиш, мана шу орзу йўлида меҳнат қилиш бахти ҳаммамизга ёр бўлсин!

Тожихон МУСАЕВА,
Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси чевари, «Шуҳрат» медали соҳиби.

Табиат — инсоният бешиги

ИҚТИСОДДАН УСТУН МАСАЛА

Ватанимизда эсаётган мустақиллик шамоли кўп йиллардан бери яшириб келинган экологик муаммоларни ҳам юзага чиқариб, кўпчиликка ошкора қилмоқда. Парчаланиб кетган собиқ иттифоқдан бизга аянчли экологик вазият мерос бўлиб қолганди. Узоқ йиллар давомида улкан мамлакатларнинг хом ашё базасига айланиб қолган Ватанимизда табиий бойликлар аёвсиз ўзлаштирилган. Пахта яккаҳокимлиги натижасида дарёларимизнинг сувлари нест-нобуд бўлиб, денгизимиз — Орол қуриб бораётганди. Саноат, транспорт ва бошқа техник воситаларнинг зарарли чиқиндилари, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган минерал ўғитлар ва заҳарли бирикмалар атроф-муҳитни ифлослантирмоқда.

Биз яшаётган табиий муҳит, унинг таркибий қисмлари — сув, ҳаво, тупроқнинг ифлосланиши инсонлар соғлиғига зарар етказмоқда, иқлимни ўзгартирмоқда. Ҳозирги вазиятда экологик масалалар долзарблиги жиҳатидан иқтисодий масалалардан устундир. Экологик муаммоларни ҳал қилиш Ватанимиз, миллатимиз тақдирини, келажак истиқболини таъминлаш билан баробардир.

Ватанимизда экологик муносабатнинг бузилиши узоқ йиллар ичида амалга ошди ва албатта, уни асл ҳолига келтириш учун кўп йиллар талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши шарофати, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан экология муаммоларига эътибор кучайди. Иқтисодий мураккаб шароитларда ҳам табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш тадбирларига катта маблағ сарфланмоқда. Кейинги йилларда ўтказилган чора-тадбирлар натижасида республикамизда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражаси пасайди, сувларга ташланадиган оқоваларнинг ҳажми камайди.

Тошкент Кимё-технология институтида ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёнилги-энергетика ва хом ашёдан оқилона ва комплекс равишда фойдаланиш, ташкилий-бошқариш, лойиҳа конструкторлик ва илмий-текшириш ишларини амалга ошириш борасида «Саноат экологияси» кафедраси ўқитувчи ва илмий ходимлари томонидан кўпгина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтган қисқа вақт ичида юқори малакали мутахассис кадрлар етиштириш, таълим тизимини такомиллаштириш борасида жуда катта янгиликлар киритилди. Жумладан 1997—98 ўқув йилида Кимё-технология институтида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» мутахассислиги бўйича бакалаврлар тайёрловчи йўналишни очилиши республикамизда экология соҳасидаги йиғилиб қолган муаммоларни малакали ҳал қилиш имкониятини беради. Улар республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик экспертиза олиб борувчи лойиҳа қарорларини ишлаб чиқиш, атроф-муҳит сифатини текшириб ва бошқариб турувчи тизимларни қўллаш, қаттиқ чиқиндиларни зарарсизлантириш усуллари ва уларни қайта ишлаш, оқова сувларни тозалаш ва унинг айланма ҳаракатини ташкил қилувчи технологияларни ишлаб чиқиш, кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларни ташкил қилиш ишлари ва экологик муаммоларни ҳал қилиш ишларида ўз ҳиссаларини қўшадилар.

«Саноат экологияси» кафедрасида экологик таълим ишларини олиб бориш билан бир вақтда илмий текшириш ишларига ҳам катта имкониятлар яратилгандир. Кафедра қошида давлат маблағи билан таъминланган «Экология» ва «Целлюлоза» илмий лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Улар оқова сувларни тозалаш, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш муаммоларини ҳал қилиш устида тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Тўлқин ТУРСУНОВ,
доцент.
«Саноат экологияси» кафедраси мудири.

«КИМОШДИ»ГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

САМАРҚАНД. Вилоят кўчмас мулк биржаси ўтган йил режасига кўра 597 иншоотни 97.84.2000 сўмга сотиши керак эди. Амалда эса 1179 иншоот 153.88.7000 сўмга сотилиб, режани ортиғи билан бажарди. Тадбиркорларнинг бу йилги режаси ҳам чакки эмас. Улар аҳоли талабини ўрганиб чиққан ҳолда ишларни ташкил этишмоқчи. Биржа раиси Абдураҳмон Аҳмедовнинг таъкидлашича, тугалланмаган саноат ва қишлоқ хўжалик ҳамда «Ўзмевасабзавот» иншоотларини «Кимошди»га қўйишга тайёргарлик кўрилмоқда. Мақсад йиллик режани 200 миллионга етказишдан иборат.

Ўткир ПЎЛАТОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ИССИҚ СУВ ВА ПАШША МУАММОСИ»

Газетанинг 1997 йил 13 ноябрь сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Нукус шаҳридаги 23-кичик шаҳарчанинг 1/6-уйида етти ойдан буён иссиқ сув йўқлиги, уй ертўласидаги қувурлар ёрилиб ётганлиги танқид қилинган эди. Мақола юзасидан Нукус шаҳар ҳокимлигидан қуйидаги жавоб хати олинди:

«Иссиқ сув ва пашша муаммоси» сарлавҳали мақолада кўрсатилган камчиликлар шаҳар коммунал хизматдан фойдаланиш бошқармаси томонидан бартараф этилди. Иссиқлик тармоқлари, иссиқ сув етказиб берувчи қувурлар алмаштирилди. Бугунги кунда турар жойлар иссиқлик билан ҳам, иссиқ сув билан ҳам тўлиқ таъминланганлигини маълум қиламиз.

А. ИБРАГИМОВ,
Нукус шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари.

АДАБИЙ УЧРАШУВ

Тошкент Давлат аграр университетида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган куннинг 515 йиллигига бағишланган адабий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, «Бобур» жамғармаси раиси Зокир Машрапов ҳамда ёзувчи Хайриддин Султонов иштирок этди.

Учрашувда Зокир Машраповга университетнинг фахрий профессори унвони тақдим этилди.

Ғани СОДИҚ.

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтиб бориши жараёнида жамият ҳаётида иқтисодий билимлар аҳамияти тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бу республикамиз иқтисодчи олимлари олдига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумий жиҳатларини очиб бериш, бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унга ўтиш йўлларини назарий асослаш ва амалий тавсиялар бериш вазифасини қўяди. Мазкур вазифа илмий тадқиқотлар ўтказиш, рўй бераётган иқтисодий жараёнларни ўзида объектив ифодалайдиган дарсликлар ва оммабоп ўқув қўлланмалар яратишни ўз ичига олади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Банк — молия академиясининг иқтисодиёт, молия ва банк иши назарияси кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор А. Ўлмасов муаллифлигида ёзилган ва «Меҳнат» нашриётида чоп этилган (1997 йил) «Иқтисодиёт асослари» китоби муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Китоб республиканинг кўпчилик олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларида ўрганилаётган иқтисодиёт асослари курсининг дастурларидаги асосий мавзуларни қамраб олади ва маълум даражада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тамойилларини ўзида ифодалайди.

Китоб — содиқ дўст

Китоб ўз ичига иқтисодиётнинг асоси ҳисобланган 15 мавзуни олган. Ундаги мавзулар иқтисодиёт ва унинг умумий асосларига бағишланган. Унда жамият эҳтиёжлари, иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш омиллари ва натижалари, меҳнат унумдорлиги каби умумиқтисодий тушунчалар моҳияти очиб берилади ҳамда иқтисодий тизимларнинг тавсифи ва характерли белгилари кўрсатиб берилган.

Қўлланмада бозор иқтисоди белгилари ва Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш хусусиятлари, шунингдек бозор тушунчаси ва тартибга солиш механизмлари ҳамда иқтисодий муносабатларнинг макроиқтисодий даражасидаги намоён бўлиш шаклларига эътибор қаратилган.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқариш (менежмент), ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими, пул ва у билан боғлиқ бўлган тушунчалар молия ва кредит муносабатлари, давлат ва унинг иқтисодиётдаги роли, аҳоли даромадлари ва унинг турлари каби долзарб масалаларга ҳам катта ўрин берилган.

Ш. ШОДМОНОВ,
ТошДИУ иқтисодиёт назарияси кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори,
Т. ЖЎРАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

АЁЛ БЕЛИДАГИ ОҒУ

Ёмоннинг қилиғи ортиқ

Аслида инсонга берилган умр жуда қисқа. Аммо шу қисқа умр давомида ҳам кўп нарсага улгуриш мумкин. Яъни биров ҳаммани ҳайратга солиб улкан кашфиётлар қилади, бошқа биров савоб ишлар қилиб обрў-эътибор топади. Зеро, донишманд айтганидек: «Гўзал ўтган ҳар қандай қисқа умр узоқ умрдир». Лекин орамизда шундай инсонлар борки, пул, мол-дунё, ҳою ҳавас учун ҳар қандай тубанликдан, жиноятдан ҳам тап тортмайди...

Хоразм вилояти Дружба шаҳри Ўзбекистон жамоа хўжалигида яшовчи, етти нафар фарзанднинг отаси, олий маълумотли Рустамбой Йўлдошев ўзидан 20 ёш кичик Насиба Маҳмудова билан танишиб, бирга яшай бошлайди. Икки рўзғорли Рустамбойга пул энди сув ва ҳаводек зарур. Нима қилиш керак? Қандай қилса у пулни осон ва кўп топади? Ишлай деса бўйни ёр бермайди.

Хотини 22 ёшли Насиба билан ўзаро жиноий тил бириктирди. Эру хотин гиёҳвандлик моддаларини олиб-сотиш орқали катта фойда кўришни ният қилди. Шу мақсадда Сурхондарёга борди. Термизда шахси номаълум кишидан 32000 сўм пулга 683 грамм миқдордаги опийгиёҳвандлик моддасини сотиб олди. Рустамбой анойи эмасми «ажал уруғи»ни хотини Насибанинг кийимлари тагидан белига маҳкам боғлади. У ўзича Насибага далда берди. «Қўрқма, сени ҳеч ким текширмайди. Чунки, аёлсан, бунинг устига қўлингда эмизикли боланг бор...»

Шу куни улар Термиз темир йўл бекатига боришди. Бу ерда бир кеча тунашиб, эртасига таксида Ангор-Жарқўрғон чорраҳасига етиб келишди. Ҳадемай, «Денов-Урганч» йўналишидаги автобус келадиган вақт бўлди. Ишлар Рустамбой Йўлдошев ўйлаганидек, бир текис — гўё хамирдан қил суғургандек кўчарди.

«Икарус» автобуси бекатга келиб тўхтагач, улар автобусга чиқишди. Орадан бир неча соат вақт ўтди. Қарасалар, Дарбанд ДАН пости. Автобусдаги йўловчилар кўздан кечирилди. Бойсун туман ИИБ ходимлари Насибанинг белига боғланган нарсанинг нима эканлигини сўрашди.

— Пул, — деб жавоб берди у.

Текширувчилар гувоҳлар ёрдамида тугунни очиб кўрдилар. Бирдан ўткир ёқимсиз ҳид димоққа урилди. Ҳамма нарса маълум. Бу жиноий иш судга оширилди.

Суд ҳукми билан Р. Йўлдошев мол-мулки мусодара этилиб, 13 йилга, Н. Маҳмудованинг ҳам мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Белгиланган жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтказиладиган бўлди. Эр-хотин оғуфурушлар нафсга қул бўлишмаганда эл-юрт олдида, фарзандлар, қариндош-уруғлар олдида бундай шармисор бўлмасмиди...

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
журналист.

Сиз кутган учрашув

Ҳожибой ТОЖИБОЕВ:

«ШАҲАР БОРСАНГ — БОЗОР КЎР!»

Машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоев таҳририятимизга ташриф буюрди. Қўлида «Осиё бозори» газетаси! Муштарийларимизнинг ёдларида бўлса — ўтган ҳафтадаги сонда ота-бола Тожибоевларнинг суратини ёритган эдик. Ўша газета бўлса керак, деб ўйлагандик, йўқ, ундан ҳам илгарироқ чиққани экан. Қизиқчи-муштариймизнинг ўзи варақлаб кўрсатди-да, изоҳ берди:

— «Аёл бозорга борса...» («ОБ» — 2-сонида Эркин Эсиргадиев мақоласи)ни боплабсизлар-ку! Долзарб мавзуни ёритибсизлар. Биласизми, ҳеч ёдимдан чиқмайди, болалигимда қизиқ воқеа бўлган: катта машинада бозорга кетаётган эдик, йўлимизни бир аёл кесиб ўтганди, катта-матта кишилар «ух, ишимиз чаппасига кетадиган бўлди-да» деб юборишди. Ишонасизми, ўшанда бир отахоннинг гапи билан ортимизга қайтиб кетгандик...

Шу тариқа қизиқчи билан суҳбатимиз «бозор мавзуси»га уланиб кетди. Бозорга қанча одам борса, унга бўлган муносабат ҳам шунча. Эл қатори Ҳожибой ҳам вақти-вақти билан бозорларга бориб туриши табиий. Демак, унинг ҳам ўзига яраша фикрлари, қарашлари бор. Суҳбатимизни ҳам айнан шу мавзуда давом эттирдик.

— **Бугунги бозорларимиз ҳақида нима дейсиз?**

— Шаҳар борсанг — бозор кўр, деган гап бор. Қайсики мамлакатга, ўзга шаҳарларга борсангиз ўша ерлик олиму зиёлиларни, санъаткор-у шоирларни учратишингиз, исталганча ҳангома қилишингиз мумкин. Барибир, бозорларига кирмасангиз, халқнинг ҳаётини унчалик ўргана олмайсиз. Эътибор берган бўлсангиз, хориждан ташриф буюраётган кишилар ҳам бир бора бўлса-да бозорларимизни кўздан кечирадилар.

— **Ҳожибой ака, сизнинг инсоф-диёнат ҳақидаги гапларингизни кўп эшитганмиз. Бозорларда инсоф қай даражада?**

— Инсоф деганлари ҳар тонг бозорга деҳқон билан бирга келади ва «кутара савдо»дан сўнг яна ўша деҳқон билан бирга қайтиб кетади...

Иккинчидан, ҳар бир киши ўз ҳақиқатини излагани мисол керагича инсофли муносабатларга эришиши ҳаёт тақозосидир.

— **Жаҳон бозорига чиқишимиз учун нималар зарур?**

— Бозор-ўчарнинг залворли заҳматини эркаклар зиммаларига олишлари лозим. Қадимда ҳам бозор «юки»ни ота-боболаримиз кўтарганлар. Момоларимиз, бувиларимиз карвон йўлларида бозорма-бозор юришгани ҳақида эшитмаганмиз... Мана, бугун юртимиз учун дунё эшиклари очиқ. Энди, кеп-кеп ожизаларимиз чиқсинларми дунё бозорига? Ёхуд, хориждан мол-товар келтиришаётган кишиларга заифаларимиз пешвоз чиқсинларми? Жаҳоннинг шодлиги ҳам, ғамташвишлари ҳам жамул-жам бўладиган, сарҳисоб қилинадиган жой — бозордир. Шунга яраша эркакларимиз ҳам масъулиятни ҳис қилсалар яхши бўларди.

Баъзилар бозорга боришга ор қилади. Пўрим либосига ярашмаётгандек туюлади. Йўқ. Лоақал элининг дарди билан қизиққан киши вақти-вақти билан бозорга бориб турса «айб» эмас.

— **Бозорлардаги, кўча-кўйлардаги рекламаларга қандай қарайсиз?**

— Тараққий этган мамлакатларда кўп нарсани рекламалар ҳал этаркан. Реклама— улкан ташвиқот воситаси. Кўча бўйидаги катта расмга кўзингиз тушиши ҳамоно кўп нарса уқиб оласиз. Бундай ажойиб воситадан биз ҳам самарали фойдаланишимиз зарур. Фақат, қачон, қаерда нимани реклама қилишни билсак бас.

Пойтахт шаҳримиздаги айрим «нобоп реклама»лар ҳақида ҳам бир оғиз айтиб ўтиш жоиз. Ўзларича ҳақ бўлган рекламачиларнинг шаштини қайтиришга ҳожат йўқ. Негаки, улар ҳам ўзларича — ҳақ! Фақат, одамларимиз, айниқса, ёшларимиз — отни кўриб оқсамаса, сувни кўриб сувсамаса, яъни, папирос расмларини кўрганда бурқситиб чеккиси келиб қолмаса бўлди-да! Аслида ичмайдиган, чекмайдиган инсон унақа-мунақа рекламаларни кўрибоқ «айниб» кетавермаса керак.

«Осиё бозори» газетасида ҳам кўпроқ фойдали, зарур, ҳаётимиз учун жуда муҳим рекламалар ёритилишини истардим...

Тўлқин УСМОН суҳбатлашди.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги массивидаги 2 хонали уй **сотилади.**
Тел: 50-85-85.

Азиз ва қадрли МАЪРУФЖОН!



Таваллуд топган кунинг билан чин дилдан табриклаймиз. Қувончли кунларингни кўриш барчамизга насиб этсин. Гўзал орзуларинг бекаму кўст рўёбга чиқишини тилаб

Оила аъзоларинг номидан опанг САОДАТ.

Шов-шув

СИНАБ КЎРИНГ-ЧИ?

Тошкент Марказий турли хил буюмлар дўконидан хорижда ишлаб чиқарилган ноёб матоҳни сотиб олган харидор бўлинма сотувчисига миннатдорчилик маъносида эллик сўм ортиқча ташлаб кетди. Буни сезиб қолган ноёб матоҳлар бўлинмасининг ҳушёр сотувчиси нотаниш «сахий» мижозини бекатда қувиб етди.

Упкаси оғзига тиқилиб қолаёзган сотувчи ҳансирай-ҳансирай эллик сўмни қайтариб бергач, кўнгли жойига тушди. Устидан тоғ ағдарилгандай бўлди.

Маъмуржон УМРЗОҚХЎЖА.

Таҳририятдан:

Ҳайрон бўлманг жаноблар! Сиз ҳам шундай қилиб бугунги савдо ходимларини бир синаб кўрингчи... Асли зоти савдогар ўтганларнинг феъли-хуйи мана шундай ижобий томонга силжиётган бўлса ажабмас!..

БОЗОРБОЙ БАШОРАТИ

(16—22 февраль кунларида)

Сичқон

Ҳақиқий омад чоршанбада кулиб боқади. Фақат, шерикларингиздан эҳтиёт бўлинг. Шанба куни зўр сирдан воқиф бўласиз.

Сигир

Сешанба куни хурсанд бўласиз. Пайшанбада молиявий аҳволингиз яхши бўлади. Дам олиш кунлари таъбингизни тиррик қилишлари мумкин.

Йўлбарс

Кўтара савдода сизни чув тушуриш режаси тузилган. Ҳушёр бўлинг. Бу ҳафта бозорга фақат ишончли шериклларингиз билан боринг.

Қўён

Хуфиёна хатни бекитганларга бепарво қараманг. Чоршанба куни бир сирдан воқиф бўласиз. Жума куни омад кулиб боқади.

Балиқ

Ишқий саргузаштлар ҳаётингизга файз киритади. Ҳақиқий ишончли дўст орттирасиз. Фақат, уни суиистеъмол қилманг. Ундан кўп яхшиликлар кўришингиз кутилур.

Илон

Ҳафта бошиданоқ ишларингиз юришиб кетади. Пайшанба куни вазмин бўлинг. Сизни унчалик тушунмаётганлардан хафа бўлманг.

От

Бировнинг гапи билан дўстингиз ҳақида нотўғри хулоса чиқарманг. Ахир, уни ўзингиз яхшироқ биласиз-ку. Дам олиш кунларингиз файзли бўлади.

Қўй

Ҳафта ўрталарида олисдан хушхабар келиши кутилур. Пайшанба, шанба кунлари зўр фойдага шерик бўласиз.

Маймун

Ишонувчанлик — оққўнгиллик белгиси. Бироқ, душанба, сешанба куни бўладиган гапларга лаққа ишонманг. Жума — хушчақчақлик билан ўтади.

Хўроз

Таваккал қилаётган ишингизни дангал бошлайверинг. Ҳафта охирларидаёқ самарасини кўра бошлайсиз.

Ит

Бу ҳафта фақат қувончли воқеаларнинг шоҳиди бўласиз. Бошлиғингиз ҳузурида ортиқча сўзлаб юбормасангиз бас.

Тўнғиз

Душанба, сешанба кунлари серташвиш бўлади. Ҳафта охирларида молиявий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунлари меҳмонларни кутаверинг.

Бош муҳаррир
А. А. СУЮНОВ

Газета таъсисчиси
«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти

НАШР МУҲАРРИРИ
Тўлқин ЭШБЕК

ТАҲРИРИЯТ
Муҳаррир ўринбосари — **Маъмуржон ҚИЁМ**
Масъул котиб— **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ
Абдумалик ҲАЙДАРОВ
Илҳом КАРОМОВ
Бош рассом — **Бозорбой ЖУМАБОЕВ**
Компьютерда саҳифаловчи **Қодиржон ҚАЮМОВ**

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Неъмат АБДУЛЛАЕВ — «Ўзбектуризм» Миллий компанияси раисининг биринчи ўринбосари;
Алижон АҲМЕДОВ — «Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорацияси раисининг ўринбосари;
Виль БЕГАНОВ — ЎзР Давлат солиқ қўмитаси раиси:
Холдор ИСКАНОВ — ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари;
Файзулла МУЛЛАЖОНОВ — ЎзР Марказий банки бошқаруви раиси;
Ҳикматулла ЮНУСОВ — ЎзР Халқ банки бошқаруви раиси;
Суюн НИЗОМОВ — ЎзР Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси раисининг ўринбосари;
Арслон РЎЗМЕТОВ — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директори;
Алексей СТЕПАНОВ — Ўзбекистон — Америка «КОСКОМ» қўшма корхонаси бош директори;
Қобилжон ТОШМАТОВ — ЎзР «Пахтабанк» бошқаруви раиси;
Зафар ФАЙЗИЕВ — Ўзбекистон акционерлик «Ўзбексавдо» компанияси раиси;
Ботир ЭРГАШЕВ — «Ўзбекенгилсаноат» Давлат уюшмаси раиси;
Пўлат РАШИДОВ — «Ўзгўштсутмахсустранс» концерни раиси;
Ўткир ХОЛМУҲАММЕДОВ — «Ўзбекгазсувқурилиш» акциядорлик жамияти раиси.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000 Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32-уй.
Телефонлар:
133-47-80, 136-53-16
Факс: 133-38-55.
Индекс: фуқаролар учун: — 174.
Ташкилотлар учун — 175.

Эълон ва билдирувлар мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари жавобгар ҳисобланади. Бизнинг материаллар кўчириб босилганда уни «Осиё бозори»дан олингани кўрсатилиши шарт.

(Ҳафтада 1 марта, жума куни чиқади).
Сотувда эркин нархда.

МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА «КОСКОМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ РАҚАМЛИ УЯЛИ АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. ***Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*** *Босишга топшириш вақти — 21.00*
«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиби №52. Г—01018 *1 2 3 4 5 6* *Босишга топширилди — 17.00*

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Осиё бозори

1998 йил
12 февраль
№ 6 (93)

Ахборот, тижорат-реклама газетаси • Axborot, tijorat-reklama gazetasi

ИЧКИ САҲИФАЛАРДА:

2-БЕТ Иқтисодиёт
3-БЕТ Реклама
4-БЕТ Сиз кутган учрашув. Бозорбой башорати

«ЯНГИ» ИМКОНИЯТЛАР САРИ!
Тел/факс: (37-1) 133-47-80

КАРВОН КЕЛАДИР

Қадим ипак йўлидан
қўнғироқ чалиб,
Манзилга ошиққан
сарбон еладир.
Турнақатор бўлиб
ортидан мудом,
Залворли юк ортган
карвон келадир.
Хазинаси мўлдир
бу элнинг азал,
Авлодларин ризқига
абад етадир.

Эртанги иқболдан
бериб зўр дарак,
Мағрур қадам ташлаб
карвон келадир.
Дунё боқий бўлса —
боқий йўллари,
Кўнгилни чоғ айлаб
ризқинг тўладир.
Мустақил юртимиз
бахтига болам,
Сенинг келажагинг —
карвон келадир.

Қойил-е!

«ЖИМЖИТЛИК» — САҲНАДА

Ҳар қандай насрий асар саҳналаштирилиши учун ойлар, ҳатто, йиллар ўтишига тўғри келади. Бунинг учун қанчадан-қанча ижодкорлар, артистлар тер тўкадилар...

Буни қарангки, севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романини ажойиб қизиқчи Ҳожибой Тожибоев атиги беш дақиқада саҳналаштиришга ва ўзи ижро этишга муваффақ бўлди! Ана, рекорд!

Мазкур саҳна асари жуда муваффақиятли чиққанига кулги шинавандалари тан бердилар. Яъни, ижро этилаётган пайтда у ёқ-бу ёғи ўн дақиқагача бетўхтов чапаклар чалинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

(Севимли қизиқчимиз билан бўлган суҳбатни эса газетамизнинг 4-саҳифасида ўқийсиз).

ТАЪМИРЛАШ ЗАРУР

Савоб қилсанг — бутун қил, деган нақл бор. Пойтахтимиздаги энг серқатнов кўчалардан бири — «Буюк ипак йўли»даги (машҳур «Салом» чойхонасидан сал наридаги) қурилиш ишлари ниҳоясига етгач, бузилган йўл тузатилиши бошланди-ю ташланди. Чала асфальтланган икки юз метрча йўл шу қадар ўйдим-чуқурки, у ердан ўтиб олгунча машиналар ҳам, йўловчилар ҳам «бир ёқлик» бўлишаётир...

МАФТУНА.



ХУРЖУН

Оқ-қорани танитган муҳтарам устозларимиз ҳақида мудом илиқ фикрлар айтгимиз келади. Устоз — отангдай улуғ, деган гап бежиз айтилмаган. Истагимиз, келажагимиз ҳисобланмиш ўғил-қизларимизга таълим-тарбия беришаётган муаллимлари ҳам мураббий деган улуғ номга ҳеч вақт гард юқтирмасалар...

Аввало, шуни ёддан чиқармаслик керакки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳукуматимиз томонидан ўқитувчилар яхшигина ижтимоий муҳофазаланган. Маошлари, бошқа имтиёзлари етарли даражада.

Таассуфки, айрим муаллимлар ўз ўқувчилари олдига хуржунини елкалаб келиб савдогарлик қилишаётир... Барака топгур, шунақа «тадбиркор»лигинг ҳам бор экан, дарсдан сўнг бозорда ё бошқа ҳолироқ жойда қил, дегинг келади уларга. Ё, нотўғрими?..

Равшан ЭРГАШ ўғли,
Тошкент вилояти.

ТАЛАБАГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Пойтахтдаги талабалар шаҳарчасида «Ёшлик» деҳқон бозори бор. Бозорча талабалар манфаатини кўзлаб барпо этилган, албатта. Бу ерда харидордан сотувчи кўпроқ! Минг афсуски, сотувчилар орасида инсоф-диёнатли деҳқонлар кўринмайди, ҳисоби... Суриштирсангиз, аксарияти «Чорсу» бозоридан олиб, бу ерда ярим-бир баравар қимматига пуллаётганларини яширмайдилар...

Талабанинг кўзини шамғалат қилишга уринаётган олибсотарларга инсоф ҳақида гапиришнинг фойдаси бўлармикин?

Бобомурод РАЙИМ.

ЖАБРИ ХАРИДОРГАМИ?

Қорақалпоғистонда қайси бозорга кирманг, расталар турли-туман маҳсулотларга тўла.

Мана, оддийгина ручкани олинг. Донасини бозордан 10-20 сўмгача сотиб оласиз. Сотувчининг қўлидан олаётганда бинойидек ёзгандек бўлади. Сўнг юракни «тирналаган»дек чизғилашини кўринг. Бир-икки кунга етмасданоқ «тамом» бўлган ручкага қараб хунобингиз ошади...

Тўғри, ишбилармонлар уни қаерлардандир олиб келишаётган ҳ «ичига» кириб чиқмагандир, лекин қачонгача сифатсиз маҳсулотнинг жабрини харидор тортиши керак?

Сапура ДАВЛАТНАЗАРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри.

Алпомишлар юртидир бу!

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ



Техника ҳаёт тарзимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб қолди. Қисқаси, кундалик ташвишу юмушларимизни енгиллатишда автомобилларнинг ҳиссаси ортгандан-ортиб бормоқда.

Ҳар куни кўчаларимизда ана шундай одамлар ташвишини енгиллатиш мақсадида елиб-югираётган турли русумдаги автомобилларга кўзимиз тушади. «Сут» ёки «Махсустранс» ёзувли машиналарни ҳам гоҳ-гоҳда учратиб қоламиз. Учратамизу, дўконларнинг ойнаванд совутгичларида қатор тизилиб, тахланиб турган чиройли идишлардаги сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари хаёл «экранимизда» намоён бўладию беистисно, тамшаниб қўйганлигимизни сезмай қоламиз.

Демак, кундалик учун зарур бўлган бу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини дўконларимизда мўл-кўл бўлиши, болалар боғчаларию мактаблар ошхоналарига, шифохоналарга ўз вақтида етказиб берилиши «Ўзсутгўштмахсустранс» концерни ва унинг жойлардаги автокорхоналари зиммасида.

— Автотранспорт тармоғининг янги иқтисодий муносабатларга ўтиши билан вужудга келган муаммолардан бири — автотранспорт корхоналарининг моддий-техникавий таъминотидир - деди концерн бошқаруви раиси Пўлат РАШИДОВ. — Ҳайдовчилар ва таъмирловчилар вужудга келаётган муаммоларни енгиб ўтишларида амалий, керак бўлса моддий ёрдам ва кўмакларни аямайяпмиз. Ҳар хил йўлларни қўллаб, ҳатто барча автокорхоналарда автомобилларни турли хилдаги юкларни ташишга мослаштириб иш олиб боришимиз яхши самаралар берди. Чунки бундай ҳолатни илгамай иш юритилганида ёмон натижаларга олиб келиши мумкин эди: бутлов қисмлари етишмаслиги туфайли ўнлаб техникалар мажбуран тўхтаб қоларди. Бундай иллатларнинг вақтида пайи қирқилди. Албатта бунда муҳандис ва ходимларимизни, ҳайдовчи ва таъмирчиларнинг катта тажрибалари кўл келди. Умуман, жуда улкан ютуқларга эришмаган бўлсак ҳам биз бугун уларга ташаккур айтамиз...

ТАЛАБЧАНЛИКДА ГАП КЎП

Бугун концерн тузилмаларида 2200 нафар киши меҳнат қилишса, шулардан 1700 нафари автотранспорт воситалари ролини моҳирлик билан бошқаришади. Уларнинг самарали меҳнати билан машиналарнинг йўлга чиқишлиги, автомобиль саройидан фойдаланиш коэффициентининг бажарилиши кейинги кезларда анча ортди.

Автомобилларнинг таъмирлаш сифати ва кўрсаткичи ҳам анча ошди. Бу эса таъмирталаб автомобилларни узоқ вақт тўхтаб қолишига барҳам берди. Натижада ўтган йили 700 минг автотранспорт «машина соати» иш бажарилди. Олинган фойда эса 12 миллион сўмдан ошди.

Қўлга киритилган муваффақиятлар — ишга талабчанлик ошганлигидан далолат. Энг аввало ички имкониятларга эътибор натижасида ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, автошиналар ва бошқа бутлаш қисмлардан фойдаланиш даври узайтирилди. Шунингдек, жуда нари борса, автокорхоналар учун керакли эҳтиёт ва бутлаш қисмларни республикамизнинг ўзидан топишга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун «Подшибник», «Инструментал», «Резина-техника буюмларни бутлаш» сингари заводлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришган. Бу эса уларга (икки томон учун ҳам) иқтисодий фойдалилик даражасини вужудга келтирмоқда. Бирида заводга буюртма тушаяпти, иккинчисида (заводларда) ҳожат чиқариляпти. Натижада иккаласида ҳам одамлар ишлашаяпти, рўзғор тебратишяпти. Жамият ҳам ўз ўрнида наф кўраяпти... Муҳими, бошқа хориж мамлакатларидан бу турдаги олиб келинаётган қисмларга сафланажак валюта ўзимизда қоляпти!..

— Лекин бунга доим ҳам осонликча эришишимиз қийин кечмоқда, - дейди Пўлат Соҳобович. — Чунки бошқа ташкилотлардан ўз вақтида тўланмаётган қарзларимизнинг мавжудлиги олди-берди борасидаги ҳамкорлигимизга путур етказмоқда. Бизни ҳам ташкилотларга олдиндан пул тўлашимизни қийинлаштирмоқда. Аммо, афсуски, қарздор мижозлар ўзларига кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлашга негадир шошилмаётирлар? Ахир, насия, қарздорлик, мажозий қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир автомобиль транспорт корхонасининг бош оғриғи-ку? Бу қарздорликни лоақал энг кам даражага олиб келишимиз мақсадга мувофиқ. Чунки бу «Ўзсутгўштмахсустранс» концерни мисолида айтсак, автокорхоналарни шубҳасиз зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлашдаги имкониятларини оширади.

Бошқарув раиси тўғри таъкидлайди. Бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги ҳозирча кўпчилик автомобиль транспорти саройларига хос бўлган умумий касалликдир. Биз концерн тизилмасидаги корхоналарга оид ҳужжатлар билан танишар эканмиз буни ҳис этдик. Лекин шунга қарамай «Ўзсутгўштмахсустранс» концернининг барча корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни деярли яхши кетаяпти-да. Масалан, концерн таркибидаги барча автокорхоналар вужудга келган қийинчиликларни енгиб бўлса-да, рентабеллик даража кўрсаткичига эришиб олишди.

«ЛАББАЙ» ДЕЙИШЯПТИ

Автотранспортчилар биз фақат гўшт ва сут ташишимиз керак, деб ўтиришмай, буюртма келдими, «лаббай», дейишяпти. Шу боисдан улар пойтахт қурилишларида, пахта саноати тизилмаларида, ҳатто балиқчилик хўжаликлари билан ҳам ҳамкорлик қилишмоқда. Баробарида айрим автокорхоналар эса ўз балиқчилик хўжаликларини ташкил этишган. Маълумотлар, тегишли ҳужжатлар шуни кўрсатмоқдаки, бизнингча концерн ва автокорхоналар раҳбарлари барча мавжуд имкониятларни ишлаб чиқариш ва ишчи кучлари резервларини сафарбар қилиш, пировардида, яхши натижаларни қўлга киритиш қобилиятига эгадирлар.

Бу имкониятлардан бири, юқорида таъкидлаганимиздек, масалан, техникага тежамкорлик билан муносабатда бўлишдир. Шунинг учун ўз умрини яшаб бўлган автомобиллар жиддий таъмирдан сўнг қайта сафга туриб, иккинчи ҳаётини бошлаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки буни «Ўзсутгўштмахсустранс» концерни 10 та корхонасининг ҳар бирида рационализаторликка, қайта тиклаш кучларига катта эътиборда, қўллаб-қувватланаётганликларида ҳам кўрдик.

— Бугун кўпгина шахсий фермер хўжаликларига, келинглар, бирга ишлайлик десак, негадир улар ўзларини олиб қочишади, - дейди Пўлат Соҳобович. — Лекин улардаги қизиқувчанлик сабабми, трактор, ҳатто от-уловда бўлсада етиштиришган сут ва сут маҳсулотларини заводларга, бозорларга ўзлари олиб боришяптилар. Майли, улар бугун бўлмаса, эртага тушиб қолишади. Энг аввало молиявий жиҳатдан бақувват бўлаверсинларчи, бизнинг қулай транспортларимиздан ҳам фойдаланиб қолишар...

Биз ҳам ички имкониятларимизни тобора кўпроқ ишга солаяпмиз. Пскент туманида ҳозирча 16 гектарлик балиқ хўжалигини ташкил қилдик. Урганч автокорхонаси қошидаги 30 бош қорамолни кўпайтириб борамиз. Навоий вилоятидаги автокорхонамиз тасарруфида балиқчилик хўжалигини ташкил қилишни режалаштираяпмиз. Шунингдек, барча корхоналаримиз қошида халққа хизмат кўрсатадиган автосервислар хизматини очишни мўлжалланганмиз. Бу ишларимиз ҳам яқин кунларда амалга ошади.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йўлига чиқиб олган мамлакатимизнинг ҳар бир жабҳасида яратиш ва бунёдкорлик устувор бўлиб бормоқда. Буни «Ўзсутгўштмахсустранс» концерни мисолида ҳам яққол кўрдик. Баён қилганимиздек, концернинг жабҳасида олиб борилаётган барча ишларда ички имкониятлар қандай туртки бераётганлигига, неларга қодир эканлигига бироз тўхталдик. Шубҳа йўқки, халқимизнинг ёркин келажаги учун бундай ишлаётганлар гўзал ва ёруғ турмуш эгалари бўлиб қоладилар. Ушанда ҳалол меҳнат қилганлар албатта миннатдорлик билан тилга олинадилар! Бунга шак-шубҳа йўқ.

Маъмуржон ҚИЁМОВ.

СУРАТДА: концерн бошқаруви раиси Пўлат Рашидов.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Қайта ишлаш корхоналарида

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

дейди Хатирчи пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси Суннат Носиров

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири пахтачиликдир. Бу соҳани ривожлантирмай туриб, қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш барибир қийинчиликларга сабаб бўлади.

Пахтачилик — иқтисодимизнинг юксалиб боришига хизмат қилади.Чунки, пахта-момиқ ва чигитдангина иборат эмас-да. Ундан юз хилга яқин маҳсулотлар тайёрланади. Шу жиҳатдан ҳам у бебаҳо миллий бойлигимиздир!

Кейинги пайтларда Хатирчи пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида деҳқонлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилди.

Ҳиссадорлар ўтган йили тайёрланган 35000 тонна пахта ҳосилини қайта ишлаш билан банд. Сифатли, тола, уруғлик чигит ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

— Корхонамизда пахтадан сифатли тола, чигит ва калта момиқ олинишига алоҳида эътибор берилаётир, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Суннат Носиров. — Аввало сифатли чигит ва тола олинишига эришилмоқда. Чунки «С-90-70» навли пахтадан ўртача 30 фоиз тола, 55 фоиз чигит олинади. «Ан-Боёвут-2» навидан эса ўртача 32,5 фоиз тола, 56 фоиз чигит олиш мумкин.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатига эътибор бераяпмиз. Сўнг талаб даражасидаги тайёр маҳсулот махсус омборларга тўпланади. Тайёр маҳсулот кўнгилдагидек сақланиши керак. Бунинг учун қулай шароит яратилган.

Ҳозирги кунда корхонамиз маҳсулотлари Швейцария, Корея, Нидерландия, ҳатто Америкага ҳам жўнатилмоқда. Маҳсулотларимизни ўзимиз тайёрлаб сотадиган кунлар ҳам келди!

Эртанги кунга умид билан қараган жамоаларга бугун кенг имкониятлар бор. Мазкур пахта тозалаш корхонасидаҳам бугун ишлар жадаллашган. Экспорт учун тайёрланаётган тола тойлари учун ажратилган темирйўл вагонларида ёнғинга қарши чоралар кўрилган.

— Пахта толасини тегишли мамлакатларга етказиш учун темирйўл ходимларига зарур ҳужжатлар асосида топширамиз, — дейди корхона раҳбари Суннат Носиров. — Бинобарин, ўтган йилги пахта ҳосилини қайта ишлаш натижаси ҳам ёмон бўлмаяпти.

Ҳозиргача 3500 тонна сифатли пахта толаси мижозларга тортиқ этилди. Ажратилиб олинган чигит эса пешма-пеш мой ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатилмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ.

XON ни сотиб олинг Машина эгаси бўлинг!

1
DAEWOO
NEXIA

Олтин сигарета

50
TV
PHILIPS

Кумуш сигарета

150
SONY
WALKMANS

Бронза сигарета

Мана сизга янги машина, телевизор ёки плейер ютиш имконияти. Мутлақо бепул!
Бир пачка XON сотиб олсангиз - шунинг ўзи кифоя!

Сигарета қутисидан бронза сигарета топиб олсангиз, 150та плейердан бири сизники! Агар сигарета кумуш бўлса, 50та телевизордан бирига эга бўласиз! Агар олтин сигарета чиқса, бахт қуши бошингизга қўнди деяверинг! Кўриб турган машина-сизники!

Омадингизни қўлдан бой берманг!
XON ни сотиб олинг ва ютуқ эгаси бўлинг!

ЎЙИН ҚОИДАСИ: 1. Иштирокчиларнинг ёши 18 дан кам бўлмаслиги керак. 2. Ўйин 27 февралгача давом этади. 3. Омадли сигаретани топиб олиб, қўйидаги манзилларга мурожат қилинг: **Тошкент ш.,** Форобий шоҳкўчаси, 14 "А" уй, тел: 467087, **Андижон ш.,** Пирмуҳамедов кўчаси, 2 "А" уй, тел: 59247, **Бухоро ш.,** ёпиқ бозор, тел: 37480 **Наманган ш.,** Бобуршох кўчаси, 1 уй, "Лола" бекати, тел: 93583, **Самарқанд ш.,** Рудакий кўчаси, 150 уй, тел: 311189, **Ургенч ш.,** Маяковский кўчаси, 127 уй, тел: 33620, **Фаргона ш.,** Ал Фарғоний кўчаси, 104 уй, тел: 248015. 4. Ютуқлар қийматига тенг пулга алмаштирилмайди. 5. "ЎЗБАТ А.О" қўшма корхонаси ва унинг реклама агентликлари ходимлари ўйинда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар. 6. Ютуқнинг пул қийматига солинадиган солиқ тўловини "ЎЗБАТ А.О" қўшма корхонаси ўз зиммасига олади. 7. Низоли вазиятлар юзага келганда, якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқи "ЎЗБАТ А.О" қўшма корхонаси генерал директорига берилади.

Барча сигаретлар уч қайта тилсим билан муҳофаса қилинган. Тамаки мавжуд эмас ва қўлланма билан таъминланган.

SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI OGOHLANTIRADI: CHEKISH SOG'LIQ UCHUN XAVFLI

МДҲ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ИМПЕРИЯВИЙ ТАФАККУР ХУРУЖИ

(Биринчи мақола)

«Независимая газета»нинг 1997 йил 26 март сонида номаълум муаллифларнинг «МДҲ: тарихнинг ибтидосими ёки интиҳоси?» номли мақоласи чоп этилган эди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мақола очиқдан-очиқ тажовузкорона руҳда ёзилган, унда МДҲни фақат Россия манфаатларига бўйсиндириш керак, деган ғоя илгари сурилган. Аслида бундай ғайриинсоний қарашларнинг туб моҳияти Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида чуқур таҳлил қилиб берилган эди. Бошқа кўпгина мустақил давлатларнинг раҳбарлари ҳам бундай талвасалар биронбир мамлакатга, аввалам-бор, Россиянинг ўзига ҳам фойда келтирмаслигини, аксинча, ўзаро тенгликка ва манфаатдорликка асосланган муносабатларгина давлатларни бир-бирларига яқинлаштириш, кенг кўламдаги тараққиёт йўлини очиш мумкин эканлигини таъкидламоқдалар.

Мана шундан буён орадан бир йилча вақт ўтди. Давр ўзгарди, шунинг баробарида фикрлаш тарзимизда ҳам янгиланиш юз кўрсатмоқда, одамлар қизил империянинг оғир асоратларидан холос бўлиб, борлиққа бошқача кўз билан қарай бошладилар. Ҳаётга янги бир авлод кириб келди. Улар Маркс ким, Ленин ким эканини билмайди, аммо эркин фикрлайди, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўзларининг нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо беради. Бугун мана шу нарса аён бўлмоқдаки, оломонга мўлжалланган сохта, популистик ғоялар билан аҳолининг қорнини тўқ, устини бут қилиб бўлмайди. Ҳаётнинг ривожи ҳам шуни тақозо этмоқда. Ким нима эккан бўлса, шуни ўради.

Мустақилликдан сўнг четдан Ўзбекистонга нисбатан кўплаб тош отилди, турли-туман иғвогарона фикрлар билдирилди. Аммо шуниси қувончлики, улар Ўзбекистондаги тараққиётга, ривожланишга халақит бера олмадилар. Қисқа вақт ичида тарихий аҳамиятга молик улкан ишлар амалга оширилди. Бугун жаҳонда «ўзбек модели», «ўзбек феномени», деган тушунчалар юзага келди, тилга тушди. Бу нимани англатади? Ўзбекистонда улкан тараққиёт илдиз отгани, юксак ривожланиш юзага келгани, халқаро нуфузи ва мавқеи ортганидан далолат эмасми?!

Ўзбекистондаги иқтисодий юксалиш жаҳондаги тараққий этган бир қатор давлатлар томонидан эътироф этилмоқда. Президентимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий юксалиш борасида олиб бораётган очиқ сиёсати жумлаи жаҳон миқиёсида катта обрў ва эътибор топди.

Аммо мамлакатларнинг тараққиёти ва ривожланишига турли хил кўз билан қараш, бир-бирига тамомила зид фикр билдириш азалдан маълум. Хусусан, бугун собиқ шўро давлати барҳам топди, бироқ шундай империяпараст кайфиятдаги кучлар йўқ эмас. Кейинги йилларда тез-тез тилга тушаётган «иккилик», «тўртлик» каби сунъий урчитилган «иттифоқ»лар, «Евроосиё» каби пуч ва мавҳум, одамларнинг кундалик ҳаётидан жуда узоқ бўлган ғоялар ҳам шундан дарак беради. Аммо бундай ҳаракатлар шу ишнинг бошида турган, унга бевосита раҳнамолик қилаётганлар кутган натижани бермаяпти. Чунки ҳаёт ўзга бир оқимга тушди, халқлар ўз ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати ва озодлигини таниди. Ким мустабиднинг сиртмоғига яна қайта бошини суқишни истайди, дейсиз. Қисқаси, ҳаётнинг эврилиши ҳар бир нарсани жой-жойига қўймоқда. Уларни ўз номи билан аташга ўргатмоқда. Собиқ шўро давридаги мудҳиш сиёсатнинг оқавалари тинган сайин, ҳаётнинг асл чеҳраси кўринмоқда. Ва бугун халқларни ҳавойи ва пуч ғоялар, бўлар-бўлмасга «катта оға» олдига тушиб югураверишлари билан ушлаб туриш ҳам тобора мушкуллашиб бормоқда. Одамлар ислоҳотлар аллақандай популистик ғоялар учун эмас, балки ўзлари учун бўлишини талаб қилмоқдалар.

Хўш, бундан бир йил илгари янги мустақил давлатнинг суверенитетини инкор этишган, уларни том маънодаги давлатларга айланишига йўл қўймаслик керак, турли низо ва қийинчиликларни рўкач қилиб, минтақадаги вазиятларни янада чигаллаштириб бўлса-да, уларни ўзимизга бўйсиндиришимиз зарур, деган аюҳаннос солган мақола муаллифларининг бугун дунёқараши ва тушунчаси ўзгардими ёки улар ҳамон эскича қарашлардан қутулишгани йўқми? Аслида, биз ушбу мақолани ёзишимизга ҳам мана шу нарса туртки бўлди.

Яқинда «Независимая газета»да айнан бир йил бурунги эски мақоланинг давоми чоп этилди. Буни қарангки, бу гал ҳам мақоланинг асл маъноҳияти, унда илгари сурилган фикр сарлавҳасидаёқ ўз аксини топибди. Аввалги мақола «МДҲ: тарихнинг ибтидосими ёки интиҳоси?» деб ном олган бўлса, буниси «МДҲ: тарих интиҳосининг ибтидоси» деб аталибди. Фақат бу галги мақолада бир янгилик шундан иборатки, муаллифлар ўз номларини хуфя тутмай, очиқ ёзишипти. Улар МДҲ мамлакатлари институтининг вакиллари К. Затулин ва А. Мигранянлар. Таниш номлар ва бу, албатта, яхши. Чунки сенга ким ёмонлик соғинаётганини, халқнинг истиқболига чап кўз билан қараётганини билиб қўйсанг, ҳарқалай, ёмон бўлмайди.

Энди бевосита мақола ҳақида фикр юритадиган бўлсак, илк сатрларданоқ муаллифлар «тарих интиҳосининг ибтидоси», «дезинтеграцион жараён» деганда нималарни назарда тутишаётгани ошкор бўлиб қолган. Биз буни тушунарли қилиб ифодалайдиган бўлсак, мустақил давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти, халқаро иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик тизимларида ўз ўрни ва овозларига эга бўлиш учун фаол ҳаракат қилаётганларнинг геосиёсий нуқтаи назаридан, мақсад-маслакларига мутлақо мос келмайди. Сиёсатшуносларнинг бундай ёзғиришларини кўриб, энди улар мустақил давлатларни турли хил тазйиқу пўписа ва минтақавий можароларни рўкач қилиш йўли билан Россия манфаатларига бўйсиндириш ниятларидан қайтган бўлса керак, деб ўйларсиз. Йўқ, асло бундай эмас, янглишасиз. Аксинча, сизга таниш ўша биринчи мақоладаги тажовузкорона руҳ бу галгисида янада авжига чиққан. Илгариги мақолада асосан қўрқитиш, таҳдид шарпаси бўртиб турган бўлса, бу safар муаллифлар очиқ-ошкор куч ишлатиш зарур эканлигини маслаҳат беришган: «Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда фақатгина куч ишлатиш йўли билангина (силовые импульсы) советлардан кейинги Осиёнинг Россияга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш мумкин. Бу мамлакатларнинг ичида жараён, айтиш керакки, уларнинг геосиёсий нуқтаи назаридан, мақсад-маслакларига мутлақо мос келмайди. Сиёсатшуносларнинг бундай ёзғиришларини кўриб, энди улар мустақил давлатларни турли хил тазйиқу пўписа ва минтақавий можароларни рўкач қилиш йўли билан Россия манфаатларига бўйсиндириш ниятларидан қайтган бўлса керак, деб ўйларсиз. Йўқ, асло бундай эмас, янглишасиз. Аксинча, сизга таниш ўша биринчи мақоладаги тажовузкорона руҳ бу галгисида янада авжига чиққан. Илгариги мақолада асосан қўрқитиш, таҳдид шарпаси бўртиб турган бўлса, бу safар муаллифлар очиқ-ошкор куч ишлатиш зарур эканлигини маслаҳат беришган: «Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда фақатгина куч ишлатиш йўли билангина (силовые импульсы) советлардан кейинги Осиёнинг Россияга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш мумкин. Бу мамлакатларнинг ичида манфаати, мустабидлик нуқтаи назаридан қарайди. К. Затулин ва А. Мигранян ҳам айни шундай кайфиятга берилган кишилар. Улар бежизга ҳадеб МДҲ Россия ва унинг хавфсизлиги, миллий манфаатларига бўйсиниши керак, деган гапларни такрорлашмайди. Улар андишани унутиб қўйишган, бу тажовузкор руҳдаги тавсияларимиз бошқа халқларнинг кўнглига тегиб кетади, деб ўйлашмайди. Баъзи бир қўшни мамлакат раҳбарлари буни инобатга олиб қўйсалар, қайси кучларга ён босаётганларини билсалар ёмон бўлмас эди. Бу масалага сал кейинроқ тўхталиб ўтамиз, ҳозир «иттифоқ»лар хусусида фикр юритсак, деган ниятдамиз.

«Независимая газета»даги мақоланинг асл моҳияти «иттифоқ»ларга берилган баҳода янада очиқроқ намоён бўлган. Рост гап, муаллифлар Россия ҳамда Белоруссия ўртасида тузилган шартномага катта умид боғлашган экан. Шунинг учун бўлса керак, улар «иккилик»ни самарали ишламаётгани Белоруссия раҳбарияти, аниқроғи А. Лукашенконинг Россиядан бутқул кўнгли совиб бораётганлигидан астойдил қайғуришади. «МДҲ экспертлари» бутун айбни Россия раҳбарияти таркибидаги интеграцияга қарши чиқаётган кишилар ва оммавий ахборот воситалари устига ағдаришади. МДҲ бўйича «эксперт»ларнинг ҳуж

ЮКСАЛАЁТГАН МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ШУУР

«Мулоқот» саҳифаларида

«Мулоқот»нинг 1998 йилги биринчи сони «Саодат салтанати ва салтанат саодати» мақоласи билан очилган. Унда Ўзбекистоннинг озодликка эришишида ва уни мустаҳкамлашда Президент Ислом Каримовнинг ўтиш даврида ғайрат ва шижоат, довюраклик билан қилган хизматлари ўз аксини топган. Зотан, юрт сарварининг феномени, унинг давлат арбоби сифатидаги сиймоси бевосита мустақилликнинг эълон қилиниши, олий қадриятларнинг қўлга киритилиши, сиёсий қараш-лар ва мамлакатда ҳар томонлама барқарорликни таъминлаш учун интилишлар замирида шаклланган.

Юртбошимизга бўлган беқиёс ҳурмат нафақат Ўзбекистон матбуотидаги чиқишлар, балки чет эл матбуотларидан олинган дил сўзлари орқали ифода қилинган. Жумладан, «Бундан тўрт йил муқаддам Германия матбуоти Ислом Каримовни Марказий Осиёдаги энг кучли Президент деб ёзган бўлса, яқинда «Озодлик» радиостанцияси ҳалқ маданий ва маънавий меросини тиклаш асосида миллий уйғонишга, миллий ўзлигини англашга жуда катта эътибор бераётган жаҳонда ягона Президент», деб таърифлайди. Кўплар юртбошимизнинг одамлар дилидаги кечинмаларни чуқур англаши, уларнинг энг нозик ҳисларига таъсир ўтказишни яхши билишга қойил қолишаётганини ошкора тан олмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий

1

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 12 fevral, payshanba № 19 (22.256).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Судининг раиси Убайдулла Мингбоев қаламига мансуб «Дарга» мақоласи ҳам Президент портретига чизгилардан иборат.

Мақола муаллифи таъкидлаганидай, Президентимиз: «Тоталитар тузум ҳеч қачон юртга осойишталик, халққа фаровонлик келтира олмаслигини, бу тузум қатағонларни қурол қилиб, халқни ҳамиша даҳшатда, қулликда ушлаб туришдан бошқа нарсани билмаслигини, фақат ҳуқуқий демократик давлат ва қонунлар билан тартибга солинадиган бозор иқтисодиётигина халққа рўшнолик ва фаровонлик келтириши мумкинлигини биринчилардан бўлиб тушуниб етди ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш учун енг шимариб ишга киришди».

Биринчи сондан ўрин олган Нарзулла Жўраевнинг «Демократия ва тарихий жараён» мақоласида таърифланганидай, ҳар бир халқнинг ўз турмуш тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабатлари хилма-хил. Шарқда ҳам демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Бу маънавий мерос халқимизга ривожланган истиқболни яратиш учун чексиз имкониятлар майдонини яратди. Мақолада демократияни тезлаштиришга, инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келиши мумкин эканлиги асосли равишда таъкидланади. Муаллиф: «Агар ўз ҳаётимизни собиқ тузум билан солиштириб кўрсак, дунёқарашимиз, билимимиз, маънавиятимиз бениҳоя ўзгариб, бутунлай бошқа одам бўлиб қолганимизни, онгимиз, миллий ғуруримиз юксалганини кўрамиз», дейди қалб тўла ифтихор билан. Юксалаётган миллий ғурур ва шуур эса дилларни ҳамиша эзгу ишларга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг «Рақобатбардошлик — давр тақозоси» мақоласи муштарийларга «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» тўғрисида батафсил маълумотлар беради. Бу долзарб мақолада истиқлол туфайли ҳаёт ҳам, инсон ҳам ўзгараётгани ва таълимнинг ишлаб чиқарувчиси Инсон эканлиги эътироф этилади.

«Мулоқот» мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов билан суҳбатини ўқисангиз, маънавият ҳақидаги билимларингиз янада бойийди. Зукко олим, «Маънавият — инсоннинг зотий белгиси, унинг талабгори амалий ҳаётнинг ўзи», деган ўзига хос муҳим фикрни ўртага ташлаган.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўқиб таъсирланган Азамат Ҳайдаров ўзининг «Жаҳон нигоҳидаги диёр» мақоласида «Бу асар Ватаннинг ҳар бир қарич ерига муҳаббат уйғотади, миллат ва эл ташвишига елкадош бўлишга чорлайди», — дея якдил хулоса ясайди.

«Навоийхонлик» рукни остида берилган Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловнинг «Навоийнинг Ватани» ва ёзувчи Маҳкам Маҳмуднинг «Алишер Навоий ва табиат олами» мақолалари фасоҳат илмининг соҳибқирони Навоий ҳазратлари ҳақида қилинган янги тадқиқотлардир.

Таниқли ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Тарихнинг тирик шоҳиди» ҳаётий ҳикояси юртимиз тарихини яхши билган, ҳаётдан рози бўлиб, бошқаларни ҳам ўзидан рози қилиб, дунёдан ўтган бухоролик темирчи Усто Амин бобо ҳақидадир.

Сезгир муштарийларимизни «Мулоқот»нинг 1998 йил 1-сонидаги ўзгаришлар ва янгиланишлар бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

2

SIEMENS NIXDORF

Германияда 1-ҳисобланган — Siemens Nixdorf шахсий компьютерлар бозорида: Pentium® Processor ёки Pentium® Processor with MMX™ Technology процессорларида жойлашадиган Intel -SCENIC Pro базасидаги бизнес-компьютерлари соҳасида, Intel-SCENIC Celsius базасидаги ишчи станциялари соҳасида ва Intel- PRIMERGY базасидаги серверлар соҳасида етакчилик қилмоқда.
Европанинг PC бозорида оборотимизнинг 52 % миқдордаги ўсиши SCENIC Celsius 1000 ишчи станцияларимиз тезлик рекорди каби етиб бўлмасдир.
Сизга қандай ёрдам беришимиз мумкин?
Бизга 132-03-14 ёки 40-67-50 телефони орқали қўнғироқ қилинг.
Бизнинг манзилгоҳ: 700000
Тошкент, А. Толстой кўчаси, 23.

Манбаа: Dataguest, 1997 йил 3-чорак.

MMX intel inside pentium II

Шахсий компьютерлар ва серверлар

Siemens Nixdorf: User Centered Computing

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Азиз юртдошлар! Республика Кўчмас мулк биржаси Сизларни 1998 йил 24 февраль куни соат 11.00 да Республика Биржалар марказида бўлиб ўтадиган навбатдаги

КИМОШДИ

савдосига таклиф этади

Савдога қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги 91-АЁҚШ.

Бошланғич баҳоси 1796,1 минг сўм.

2. Тошкент шаҳри, «Бектемир» тумани «Бинокор» посёлкасидаги «Ўзбекистон дон маҳсулотлари» Давлат акционерлик корпорациясига қарашли, тўлиқ ишга тушса бир суткада 500 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган, Тошкент шаҳар «Бинокор» дон маҳсулотлари комбинатининг қурилиши тугалланмаган бинолари. Унинг умумий ер майдони 15 гектар.

Иншоот қуйидаги бинолардан иборат:

1. Элеватор биноси. Қурилиш майдони 18х18 м². Лойиҳа бўйича 12 қаватли бинонинг 8-қаватининг қурилиши тугалланган.

2. Сақлаш биноси. Қурилиш майдони 18х72 м². Лойиҳа бўйича темир-бетондан қурилиши лозим, 13 қатор.

Бир суткада 500 тонна ун чиқарадиган тегирмон. Лойиҳа бўйича 6 қават, темир-бетондан қурилиши керак.

Ушбу иншоотларнинг пойдевори тўлиқ ва 70 фоиз, 1-қават устунлари битган.

3. Омборхона биноси. Қурилиш майдони 18х72 м². Пойдевори битган.

4. 100 м. куб сув сақлашга мўлжалланган жой. Пойдевори битган.

5. 2 қаватли ун омборхонаси. Пойдевори битган.

6. Насос станцияси.

7. Трансформатор станцияси.

8. 1 та автомашинага мўлжалланган ўт ўчириш депоси. Пойдеворининг бир қисми ва лаҳми битган.

9. Маъмурий бино. 3 қаватли. Пойдевори битган.

10. Жиҳозлар омборхонаси. 1 қаватли, ғиштли бино. Девори ва бир қисми битган.

11. Ёрдамчи бинолар. Пойдевори битган.

12. Яшаш уйлари. Лойиҳа бўйича 2 қаватли, ҳар бирида 2 тадан квартирали 4 та уй ва 2 қаватли, 1 тадан квартирали 2 та уй.

Ушбу уйларнинг пойдевори битган.

Мазкур қурилиши тугалланмаган бинонинг ичига темир йўли киритилган.

Қурилиш майдони атрофи темир-бетон билан ўралган.

Умумий бошланғич баҳоси 220 млн. 258 минг 500 сўм.

3. Тошкент шаҳри, «Қушбеги» кўчасида жойлашган, «Тоштекстиль» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Павильон Тошкент» биноси.

Бошланғич баҳоси 2 млн. 596,3 минг сўм.

Мазкур мулкларга қизиқиши бўлган ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Бухоро» (олдинги «Правда Востока») кўчаси, 8 уй.

Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-28-75.

Факс: 136-26-26.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққуловга падари бузруквбри **Жалил ҲАҚҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорациясининг раиси Қайим Жалилович Ҳаққуловга оталари **Жалил ҲАҚҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Янгийўл шаҳар кенгаши биринчи котиби Муяссар Исмоиловага онаси **Майрам ЖАЛИЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни йўл кенгаши, бошқаруви ва жамоаси «Андижонавтойўл» давлат акционерлик бирлашмаси раиси, Республика йўл кенгаши аъзоси Абдупатто Жўраевга ўғли **БАХТИЁРЖОН**нинг фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририят ходими Эргаш Исматуллаевга онаси **Хазипа ИСМАТУЛЛАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ислом ҲАМРО, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 34863 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0968

Босишга топшириш вақти -21.00. Топширилди -- 22.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА